

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2021 йил 26 май, № 109 (7889) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ЯНГИ ТИЗИМ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 25 май куни ўсимликларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари бўйича йиғилиш ўтказди.**

Ўсимликлар ҳимояси — озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлаш, экспорт ҳажмларини оширишда жуда муҳим тизим.

Шу кунгача бу ишлар биргина "Ўзагрокимёҳимоя" акциядорлик жамиятига юклатилган эди. Охирги йилларда минерал ўғит ва кимёвий воситалар етказиб бериш билан кластер ва фермер хўжаликлари, тадбиркорлик субъектлари ҳам эркин шуғулланмоқда. "Ўзагрокимёҳимоя" хизматларига талаб эса кундан-кунга камайиб бормоқда.

Шу боис йиғилишда ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича янги тизим ташкил этиш, ҳудудларда бу борадаги хизматларни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

"Ўзагрокимёҳимоя" акциядорлик жамиятини тугатиб, унинг ваколат ва вазифаларини бошқа тузилмаларга ўтказиш таклифи билдирилди. Бунда ўсимликларни ҳимоя қилиш ва чигирткага қарши курашиш вазифаси Ўсимликлар карантини давлат инспекциясига ўтказилади. Тут парвонасига қарши курашиш Ипакчилик уюшмаси ва унинг таркибидаги кластерлар ҳамда туман ҳокимликларига юклатилади. Минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар билан таъминлаш эркин бозор тамойиллари асосида тўлиқ хусусий секторга берилади. Шунингдек, ўсимликларга кимёвий ишлов бериш хизматлари ҳам танлов асосида тадбиркорлар томонидан амалга оширилади.

Давлатимиз раҳбари мазкур таклифни маъқуллаб, бу ислоҳотларни амалга ошириш учун Бош вазир ўринбосари раҳбарлигида республика комиссияси ва жойларда вилоят ҳокимлари бошчилигида ҳудудий комиссиялар тузишга кўрсатма берди.

Биолаборатория ва "ўсимликлар клиникалари"ни ташкил этиб, малакали агроном ва энтомологларни жалб этиб, далагача етиб борадиган хизматлар тизимини йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади.

Бунда ҳар бир ҳудуднинг иқлими ва шароитидан келиб чиқиб, иш тутиш талаби қўйилди. Масалан, Сурхондарёда "беда қандаласи", Бухорода "вилт", бошқа вилоятларда "помидор куяси" тарқалган.

Шунингдек, ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича хориж тажрибасини ўрганиш, кимёвий воситаларни меъёрида ва муддатида ишлатиш бўйича методология яратиш муҳимлиги айтилди.

Соҳа ривожини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга "Агробанк" масъул этиб белгиланди. Замонавий лабораториялар ташкил этиш, ускуна ва техникалар сотиб олиш ҳамда хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг айланма маблағи учун биринчи босқичда 150 миллиард сўмлик кредит линияси очиш вазифаси қўйилди.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида хусусий секторни қўллаб-қувватлаш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Тадбиркорлар харид қиладиган лаборатория жиҳозлари ва бошқа ускуналар бўйича кредит фоизининг асосий ставкадан ошган қисми бюджетдан қоплаб берилиши ҳамда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасидан 50 фоизгача бўлган қисмига кафиллик ажратилиши қайд этилди.

Шунингдек, тадбиркорлар томонидан тупроқ таркиби ва ўсимликларни лабораторияларда таҳлил қилиш бўйича фермер ва деҳқонларга кўрсатилаётган хизматларнинг 30 фоизи бюджетдан қоплаб берилади. Биологик ва кимёвий хизмат кўрсатадиган тадбиркорларга амалдаги солиқ ставкалари 50 фоизга камайтирилади.

Президент соҳада илм-фанни ривожлантириш ва кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институтининг моддий-техника базасини яхшилаб, малакали кадрлар ва хорижий мутахассисларни жалб қилиш зарурлигини таъкидлади.

Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиалларида соҳа мутахассисларини тайёрлаш тизимини кучайтириш, илмий салоҳиятни ошириш ва замонавий ўқув-лаборатория ускуналари билан таъминлаш бўйича ҳукумат қарори ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Юртимизда ишлаётган чет эллик агрономларни жалб қилиб, қишлоқ хўжалиги коллежларида ўрта бўғин мутахассисларини қайта тайёрлашни йўлга қўйиш бўйича топшириқ берилди.

Шаҳарлардаги мевали ва манзарали дарахтлар, бута ҳамда гулларни ҳимоя қилиш хизматларини кенгайтириш зарурлиги ҳам айтиб ўтилди.

Соҳа мутасаддилари ва вилоят ҳокимлари янги тизимни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари юзасидан ҳисобот берди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Соғлиқни сақлаш тизимида давлат бошқарувини такомиллаштириш, бирламчи бўғинни касалликларни эрта аниқлайдиган ва даволайдиган тизимга айлантириш, рақамлаштириш ишларини жадаллаштириш, соҳа ривожланишининг яқин ва узоқ муддатли истиқболларини белгилаш, тиббий хизматлар ҳажмини ошириш ва сифатини тубдан яхшилаш, рақобат ва хусусий секторни қўллаб-қувватлаш, тиббиёт ходимларининг билимини ошириш, таълим ва илм-фанни ривожлантириш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбариятининг **асосий фаолият йўналишларини белгилаш** ва қуйидаги янги бошқарув тизимини жорий этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

а) соғлиқни сақлаш вазири **А.М.Хаджибаев**:

вазирлик тизими ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятига умумий **раҳбарлик қилади**, улар ишини **самарали ташкил** этишини таъминлайди, юклатилган вазифалар ва функциялар тўлиқ бажарилиши учун **шахсан жавоб** беради, мазкур ташкилотлар билан боғлиқ масалалар бўйича қарорлар қабул қилади;

шошилинч тиббий ёрдам, республика тиббиёт (республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларидан ташқари) ҳамда тиббий таълим муассасалари **фаолиятини ташкил этади**, раҳбарлари фаолиятини баҳолайди, лавозимга тайинлайди ва лавозимидан озод этади, улар учун жиҳоз, дори ва тиббиёт воситалари сотиб олиш бўйича тендерлар ўтказиш ваколатларини, тизимда **коррупциянинг олдини олиш**га қаратилган барча чора-тадбирларни амалга оширади;

б) соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари **А.Ш.Иноятов**:

оилавий шифокор пункти, оилавий поликлиника, туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиника ва шифохонасида (кейинги ўринларда — бирламчи тиббий-санитария муассасалари) **тиббий хизматларни кўрсатиш**га ва **сифати**га, уларни жиҳозлашга ҳамда тиббиёт ходимларининг билим ва малакасини оширишга **шахсан масъул** ҳисобланади;

бирламчи тиббий-санитария муассасаларида **штатлар нормативи, шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимларига малака талаблари, жиҳозлаш стандартларини ҳамда даволаш протоколларини тасдиқлайди, шартномаларни имзолайди**, улар раҳбарлари фаолиятини баҳолайди, номзодларни беради, лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш бўйича кўриб чиқилиши мажбурий бўлган таклифлар киритади, ушбу муассасалар учун жиҳоз, дори ва тиббиёт воситалари сотиб олиш бўйича тендерлар ўтказиш ваколатларини амалга оширади, ушбу муассасалар фаолиятига оид **қарорлар қабул қилади**;

**(Давоми 2-бетда).**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси тўғрисида

## АХБОРОТ

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси ўтказилди. Мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.*

Унда Сенат аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлисда бир қатор масалалар муҳокама қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексига мувофиқ, Тошкент вилоятида ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар кафолатлари таъминланиши ҳолатини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари ҳамда Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмиталари томонидан ушбу масала ўрганилган.

Тошкент вилоятида тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларининг кафолатлари таъминланиши, ердан мақсадли фойдаланиш юзасидан амалга оширилган салмоқли ишлар билан бир қаторда, ушбу йўналишда муайян камчиликларга ҳам йўл қўйилган.

Хусусан, вилоятда ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар кафолатларининг таъминланиши ўрганилганда 9 минг 614 та ҳолатда 1618 га. ер майдони ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлиги аниқланган.

Шунингдек, вилоят ҳокими қарори билан тадбиркорлик субъектларига ер ажратиб беришда Қибрай, Қуйи Чирчиқ, Оҳангарон, Паркент, Юқори Чирчиқ ва Бўстонлиқ туманларида Ер кодекси талаблари бажарилмаган, берилган ер майдонларидан тадбиркорларнинг қандай фойдаланаётгани етарлича назоратга олинмаган.

➡ 3

## ЎЗБЕКИСТОН — АФҒОНИСТОН ИШБИЛАРМОНЛАРИ БИЗНЕС ФОРУМИ

*Ўзбек ва афғон халқларини азалий дўстлик, яқин қўшничилик муносабатлари бир-бири билан боғлаб туради. Қолаверса, икки мамлакат аҳолисининг маданияти, урф-одат ҳамда анъаналари ўхшаш. Шу сабаб бу яқинлик ва ниятлар муштараклиги яхши қўшничилик ришталарини асраб-авайлашда муҳим омил бўлмоқда.*

### Ҳамкорлик

Термиз шаҳридаги Санъат саройида бўлиб ўтаётган иқтисодий анжуманда Афғонистон Ислом Республикасидан юзга яқин йирик компаниялар вакиллари, шунингдек, қўшни давлат Президенти девони раҳбари Муҳаммад Шокир Коргар, Афғонистон Савдо-саноат палаталари федерацияси раиси Исмоил Ғазанфар, Балх вилояти волийси Муҳаммад Фарҳод Азимий иштирок этмоқда.

Ўзбекистон томонидан Бош вазирнинг инвестициялар ва ташқи иқтисодий масалалари бўйича ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умрзоқов, Савдо-саноат палатаси раиси Адҳам Икромов, Сурхондарё вилояти ҳокими Тўра Боболов ҳамда вазирликлар, тармоқлар ва ишбилармон доиралар вакиллари қатнашмоқда.

Таъкидланганидек, бугунги кунда Ўзбекистон ва Афғонистон сиёсий ҳамда иқтисодий соҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантириш йўлидан бормоқда. Икки мамлакат ишбилармонлари ўртасидаги алоқаларнинг янги босқичга чиқишида ушбу бизнес форумининг аҳамияти катта.

➡ 2

**Бутун мамлакатимиз ёшларига мурожаат қилиб айтмоқчиман: ҳеч қачон унутманг, сизлар инсон ҳар томонлама эркин, озод ва фаровон яшайдиган янги Ўзбекистон, янги Ренессанс бунёдкорисизлар.**

**Сизларнинг ҳаётда ўз муносиб ўрнингизни топишингиз учун давлатимиз ва жамиятимиз бундан буён ҳам бор куч ва имкониятларини тўла сафарбар этади.**

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз мактаблари битирувчиларига йўллаган табригидан

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## БЮДЖЕТДАН МАБЛАҒ АЖРАТИШДА, АВВАЛО, УЛАРДАН КУТИЛАЁТГАН САМАРАДОРЛИК МУҲИМ

*Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2020 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқди.*

Депутатлар 2020 йилда COVID-19 пандемияси жаҳон иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатганига қарамай, давлатимиз раҳбари томонидан ўз вақтида қабул қилинган бир қатор муҳим Фармон ҳамда қарорлар, мувофиқлашган фискал ва пул-кредит чоралари қўлланилганлиги натижасида мамлакатимиз иқтисодиётида ижобий иқтисодий ўсиш суръати сақлаб қолинганлиги ҳамда аҳолининг пандемияни қийинчиликларсиз енгиб ўтишида муҳим аҳамият касб этганини эътироф қилди.

2020 йил якунлари бўйича юртимиз иқтисодиёти 2019 йилдагига нисбатан 1,6 фоиз ўсган. Ялпи ички маҳсулот ҳажми 580,2 триллион сўмга етди. Бундан ташқари, 2020 йилда инвестицион фаоллик пасайиши ҳисобига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 2019 йилдагига нисбатан 8,2 фоиз қисқарди ва 202,0 триллион сўмни ташкил этди.

Пандемиянинг салбий таъсирига қарамай, Давлат бюджети даромадлари 2020 йилда 132,9 триллион сўм бўлиб, белгиланган 128,7 триллион сўм прогноз 4,2 триллион сўмга ошириб бажарилди. Даромадлар 2019 йил маълумотлари билан солиштирилганда 20,8 триллион сўмга ўсди.

Шунингдек, 2020 йилда коронавирус инфекцияси тарқалиши туфайли карантин чекловлари киритилиши натижасида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида, мамлакатимиз раҳбарияти томонидан кўрилган кескин чора-тадбирлар натижасида меҳмонхона ҳамда туроператорлар, айрим кичик бизнес субъектлари учун мол-мулк ва ер солиғи бўйича имтиёзлар берилиши, фаолиятини тўхтатган якка тартибдаги тадбиркорларга солиқ имтиёзлари ўрнатилиши ҳамда баъзи тадбиркорлик субъектлари учун солиқ қарзини тўлаш муддатларини узайтириш, солиқ қарзи ундирилишини тўхтатиб туриш, солиқ қарзидан кечиб юбориш каби қатор чоралар кўрилганлиги аҳолининг реал даромадлари ошишига олиб келди.

➡ 3

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — МАКТАБ ОСТОНАСИДАН БОШЛАНАДИ



### Муносабат

*Навқирон авлод ҳар бир мамлакатнинг умиди ва эртасидир. Шу боис Ўзбекистонда ҳам ёшлар тарбияси, уларнинг камолотига энг долзарб масалалардан бири сифатида қаралмоқда.*

*Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз мактаблари битирувчиларига йўллаган табригида ҳам бу жиҳат яққол намоён бўлди.*

*Табрикда беғубор ўқувчилик йилларини ортда қолдириб, қадрдон мактаби, меҳрибон устозлари билан хайрлашиб, ҳаётининг янги, янада масъулиятли босқичига қадам қўяётган ёшлар қутланди. Ёш авлоднинг давлатимиз, халқимиз томонидан яратилаётган имкониятларни қадрлаб, улардан янада самарали фойдаланишига ишонч билдирилди.*

*Мамлакатимизда ёшларга замон талаблари асосида билим бериш, касб-ҳунар ўргатиш, уларни дунёқараши кенг, маънавияти бой инсонлар қилиб тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, юртимизда мутлақо янгича мазмун ва шаклдаги замонавий Президент мактаблари, ижод мактаблари ҳамда ихтисослаштирилган мактаблар барпо этилаётгани таъкидланди.*

*Давлатимиз раҳбари табриги янги ва замонавий намунадаги мазкур ўқув даргоҳларида фаолият олиб бораётган ўқитувчи ҳамда мураббийлар, таълим олаётган ёшларга ҳам чексиз фахр-ифтихор, қувонч бахш этди.*

*Билдирилган фикр-мулоҳазалар, дил сўзлари буни яққол тасдиқлайди.*

**4-саҳифага қаранг.** ➡




Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

## МУСТАҚИЛ ҲАЁТГА ЧАЛИНГАН ҚЎНҒИРОҚ

**25 май куни мамлакатимиздаги барча мактабларда 2020/2021 ўқув йили якунланди.**

### Шукуҳ

Жаранг-журунг... Мактаб остонасидан мустақил ҳаётга чалинган қўнғироқ! Ўқувчилар қалби ҳаяжондан гупуради. Юзларини қувонч кўз ёшлари ювади. Улар осмонда чарх ураётган қалдирғочлардек ҳис этади ўзини. Бу бежиз эмас, албатта. Мактаб қучоғида 11 йил худди полапондек авайлаб-асралган ўғил-қизлар энди катта ҳаётга учирма бўлмоқда...

Қўнғироқ овози йиллар давомида ўз фарзандидек бўлиб қолган ўқувчиларидан кўз узолмаётган устоз-мураббийлар дилини ҳам ажиб ҳисларга тўлдирган. Жажжи болаларнинг чуғурлашиб синфга кириб келган илк кунларидан бошлаб бўйи ўзига тенглашиб, навқирон шахсга айлангунга қадар ўтган вақт уларнинг кўзлари олдида жонланади...

Бу садо кўзлари чарақлаб турган биринчи синф ўқувчилари қалбида ҳам бонг уради. Энди улар улкан орзулар билан парвозга шайланган ака-опаларига ўхшашга, улардек "аъло" ўқишга интилади...

➡ 4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

в) соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари **А.А.Азизов**:

тиббиёт соҳасида **рақамлаштириш, молиялаштириш, давлат-хусусий шерикликни** жорий қилиш ва ривожлантиришга **шахсан масъул** ҳисобланади ҳамда мазкур масалалар бўйича **қарорлар** қабул қилади;

юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун **тендерлар** ўтказади, **шартномалар** имзолайди, рақамлаштириш, молиялаштириш, давлат-хусусий шериклик масалалари бўйича давлат тиббиёт муассасалари **раҳбарларига номзодларни беради, лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш** бўйича кўриб чиқилиши мажбурий бўлган таклифлар киритади, халқаро молия ташкилотлари билан ишлаш масалалари бўйича **мустақил қарорлар қабул қилади**;

г) соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари **У.Ю.Собиров**:

республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари (кейинги ўринларда — республика ихтисослаштирилган марказлари) ва кўп тармоқли вилоят шифохоналарини ислоҳ қилиш, уларни бирламчи тиббий-санитария муассасалари билан боғлаш ҳамда **жойларда ишлаш тизимини йўлга қўйиш бўйича шахсан масъул** ҳисобланади;

республика ихтисослаштирилган марказлари ва уларнинг филиаллари раҳбарларига номзодларни бериш, раҳбарларни лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш бўйича кўриб чиқилиши мажбурий бўлган таклифлар киритиш, уларни жиҳозлаш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқиш, **тендерлар ўтказиш** ва **шартномалар тузиш**, ушбу марказларга бюджет маблағлари ва бепул даволанишга **ордерларни тақсимлаш,** шунингдек, **даволаш протоколларини** тасдиқлаш ваколатларини амалга оширади;

д) соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари **Э.И.Баситханова**:

**оналар ва болаларни хавф гуруҳларига ажратиб, улар билан манзилли ишлашни ташкил этиш**, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга шахсан масъул ҳисобланади;

оналик ва болалик масалаларида халқаро ташкилотлар грантларини жалб қилиш, маблағларни тақсимлаш, маҳаллий ижро этувчи органлар, маҳалла, ёшлар, спорт ва таълим соҳаларидаги давлат органларининг соғлом турмуш тарзи бўйича фаолиятини **мувофиқлаштириб бориш ваколатини** амалга оширади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Хаджибаев) бир ой муддатда мазкур бандда кўрсатилган асосий йўналишлар ҳамда жорий этилаётган янги бошқарув тизимидан келиб чиқиб:

соғлиқни сақлаш вазири ўринбосарларининг аниқ **вазифалари** ва **функциялари тақсимотини**;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан биргаликда **ҳудудий соғлиқни сақлаш органларининг** аниқ **вазифалари** ва **функциялари тақсимотини тасдиқласин**;

вазирлик марказий аппаратида **инвестициядан кейинги даврни мониторинг қилиш учун** амалдаги штатлар сони доирасида масъул бўлган **таркибий бўлинма** ташкил этсин.

2. 2021 йил 15 июндан бошлаб бирламчи тиббий-санитария муассасаларида дори ва тиббий буюмлар учун бириктирилган аҳоли жон бошига ажратилган маблағ миқдори ўртача **3 баравар**га оширилсин.

Молия вазирлиги (Т.Ишметов) ушбу мақсад учун 2021 йил инвестиция лойиҳаларини мақбуллаштириш ҳисобидан **165 миллиард сўм** миқдорида маблағ ажратсин ҳамда ушбу бандда назарда тутилган харажатлар учун зарур маблағларни 2022 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида кўзда тутсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.Норқулов, А.Бобоев), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Хаджибаев) билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** тиббиёт соҳасида инвестиция лойиҳаларини мақбуллаштириш ҳисобига ҳар бир вилоят кесимида иқтисод қилинадиган маблағларни аниқласин.

3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Хаджибаев, А.Иноятов):

а) Давлат бошқаруви академияси (А.Бекмуродов) билан биргаликда илғор хорижий тажриба асосида **тиббиёт соҳасида бошқарув** бўйича **икки ҳафталик ўқув курсларини** ташкил этсин ва йил якунига қадар вилоят, туман (шаҳар) тиббиёт бошқармалари бошлиқларининг ўқитилишини таъминласин.

Бунда ўқув курсларини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар Тиббиёт ташкилотларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

б) Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (А.Хасанов) билан биргаликда **бир ой муддат**да барча соғлиқни сақлаш тизими ташкилотлари раҳбарлари фаолиятини **баҳолаш рейтингини** жорий этсин ҳамда ҳар чоракда натижаларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ва Вазирлар Маҳкамасига киритиб борсин;

в) Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.Норқулов) ҳамда Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси (Ф.Шарипов) билан биргаликда **бир ой муддат**да Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсияларидан келиб чиқиб, бирламчи бўғинда тиббий ёрдамнинг **кафолатланган ҳажмлари рўйхатини тасдиқласин**, барча ҳудудларда амалиётга киритсин.

4. "Ўзавтосаноат" АЖ (Ш.Умурзаков) **2021 йил 1 октябрга қадар** жойларда, айниқса, олис ва чекка ҳудудларда аҳолини манзилли профилактика ва скрининг қилиш ишларини ташкил этиш учун ускуналар билан жиҳозланган махсус **автобусларнинг камида 3 та тажриба намунасини** яратсин ва киритсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, **2021 йил 1 июн**дан бошлаб:

а) Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тузилмаларига амалдаги штат бирликлари доирасида бошлиқнинг **рақамлаштириш ва давлат-хусусий шериклик** бўйича ўринбосари лавозими жорий қилинади. Бунда, ушбу лавозимларга тайинланаётган шахсларнинг амалдаги давлат ташкилотларидаги иш жойи бўйича ойлик иш ҳақи миқдори юқори бўлган тақдирда, уларнинг аввалги иш жойи бўйича ойлик иш ҳақи миқдори сақлаб қолинади.

Рақамлаштириш ва давлат-хусусий шериклик бўйича ўринбосар **ўз фаолиятига бевосита соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари А.Азизовга бўйсунади** ва ҳисобдор бўлади ҳамда А.Азизов Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси фаолиятининг рақамлаштириш натижадорлиги бўйича масъул ҳисобланади, уларнинг ишига баҳо беради;

б) ҳар бир оилавий шифокор пункти, оилавий поликлиника ҳамда туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникасида электрон тизим билан ишлайдиган бир нафардан **IT оператор — ҳамшира** лавозими киритилади. Бунда ушбу лавозимлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 майдаги "Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида"ги ПФ–6221-сон Фармонига мувофиқ ажратилаётган **штат бирликлари ҳисобидан шакллантирилади**;

в) бошқа туман (шаҳар) ҳамда барча вилоят ва республика даволаш-профилактика муассасаларида уларнинг амалдаги штат бирликлари доирасида **IT оператор — ҳамшира** лавозими киритилади.

6. Бош вазир маслаҳатчиси О.М.Умаров, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Садиков), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Азизов):

**икки ҳафта муддат**да IT оператор — ҳамширалар ҳамда бошқа соғлиқни сақлаш тизими ходимларининг компьютер саводхонлигини ошириш мақсадида уларни ўқитиш бўйича **дастур ишлаб чиқсин**;

режа-жадвалга асосан IT оператор — ҳамширалар ҳамда бошқа соғлиқни сақлаш тизими ходимларининг компьютер саводхонлигини ошириш мақсадида уларни туман (шаҳар) IT марказларида **бепул ўқитиш машғулотларини** ташкил этсин.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Азизов) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (О.Пекось), бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2021 йил 1 сентябр**га қадар соҳада катта тажрибага эга бўлган маҳаллий ва хорижий мутахассислар ҳамда ташкилотларни жалб этган ҳолда **Соғлиқни сақлаш соҳасини 2025 йилгача рақамлаштириш (E-health–2025) стратегиясини** ва уни амалга ошириш доир йиллар бўйича "Йўл харитаси"ни тасдиқлаш назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. **Давлат тиббиёт муассасаларини 2021 — 2023 йилларда замонавий компьютер жиҳозлари билан таъминлаш режа-жадвали** 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Молия вазирлиги (Т.Ишметов) 2021 йил якунига қадар **17 400 та** замонавий компьютер жиҳозларини харид қилиш билан боғлиқ маблағлар халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан, етмаган қисми эса ҳар йили Давлат бюджетида Соғлиқни сақлаш вазирлиги учун кўзда тутилган маблағлар доирасида амалга оширилишини назарда тутсин.

Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари (А.Азизов)га тизимни рақамлаштириш учун замонавий компьютер ва ахборот техника воситаларини ишлаб чиқарувчиларнинг энг яхши таклифларини танлаб олиш йўли билан харид қилишга, **истисно тариқасида, рухсат берилсин**.

9. Белгилаб қўйилсинки:

Соғлиқни сақлаш вазирлигида марказлашган харидлар натижасида иқтисод қилинган бюджет маблағлари тиббиёт соҳасини **рақамлаштиришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш ва кенгайтириш, IT-соҳасидаги етакчи маҳаллий ва хорижий мутахассисларни ҳамда компанияларни жалб қилишга йўналтирилади**;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимини ислоҳ қилишга ажратилаётган халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молиявий ташкилотлари маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳаларда товарлар (ишлар, хизматлар)ни давлат харид комиссияси таркиби **Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади**.

10. 2021 йил 1 июлдан бошлаб туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларида компьютер жиҳозлари бўйича техник ходим лавозимлари **компьютер техникаси хизмати бўйича муҳандис лавозимларига** алмаштирилсин ҳамда улар зиммасига замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий қилиш ҳамда ривожлантириш вазифалари юклансин.

Бунда компьютер техникаси хизмати бўйича муҳандисларга бериладиган ҳар ойлик устама **миқдори ходим лавозим маошидан 100 фоиздан кам бўлмаган миқдорда белгиланади**.

11. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **давлат тиббий суғуртаси** тизими жорий этилишини тезлаштириш мақсадида **2021 йил 1 август**дан бошлаб бошқа ҳудудларда ҳам босқичма-босқич қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширсин:

тиббий жиҳозлар, буюмлар, компьютер техникаси ва бошқа воситаларни **хатловдан ўтказиш**, шунингдек, тиббий **ходимлар** рўйхатини шакллантириш;

тиббиёт муассасаларини **кафолатланган пакет**га киритилган тиббий хизматларни кўрсатиш учун зарур бўладиган тиббий техника билан жиҳозлаш;

**оилавий шифокор йўлланмаси** асосида кафолатланган пакетга киритилган бепул тиббий хизматлар кўрсатиш тизимини ташкил этиш.

Бош вазир ўринбосари Б.А.Мусаев, Молия вазирлиги (Т.Ишметов) ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Азизов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **бир ой** муддатда **тиббий суғурта тизимининг алоҳида элементларини бошқа ҳудудларда жорий қилишни бошлаш** юзасидан аниқ таклиф киритсин.

12. Белгилансинки, 2021 йил 1 июлдан бошлаб иш стажи **беш йил бўлмаган олий маълумотли тиббиёт ходимларини нодавлат тиббиёт ташкилотларига ишга қабул қилиш билан боғлиқ талаблар давлат тиббиёт муассасаларига тенглаштирилади**.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати (Б.Юсупалиев) **бир ой муддатда** нодавлат тиббиёт ташкилотлари фаолиятини ташкил этишда бино ва иншоотларга белгиланган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларини халқаро стандартлардан келиб чиқиб, қайта кўриб чиқсин.

13. **2021-2022 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари филиалларини ташкил этиш режа-жадвали** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки:

а) янги ташкил қилинаётган филиаллар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар тиббиёт муассасаларининг негизида, уларнинг амалдаги штат бирликлари ва ажратилган маблағлар доирасида, шунингдек, юридик шахс мақомга эга бўлмаган асосда ташкил қилинади;

б) соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари У.Собиров ва республика ихтисослаштирилган марказлари раҳбарлари филиаллар томонидан:

касалликларни жойларда **барвақт аниқлаш**, профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш, маҳорат дарсларини ўтказиш;

диагностика ва даволашнинг замонавий усулларини жорий этиш, юқори сифатли **тиббий хизматларни кўрсатиш**, шу жумладан, **телетиббиётни** жорий этиш ва ривожлантириш;

касалликлар регистрини яратиш, илмий тадқиқотларни олиб бориш ва амалиётга татбиқ этиш, шунингдек, улар фаолиятига оид бошқа масалаларни (тиббий жиҳозлар ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш, малакали мутахассислар билан тўлдириш) ҳал қилиш юзасидан **шахсан масъул ҳисобланади**.

14. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Э.Баситханова):

а) **2021 йил 1 август**дан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида **перинатал** ва **скрининг марказлари** ҳамда **бирламчи тиббий-санитария муассасаларидаги оналар ва болалар саломатлигига масъул тузилмалар** ("Аёллар маслаҳатхонаси", пренатал скрининг хонаси, "тиббиёт бригадалари" таркибидаги оилавий шифокор, педиатр ва бошқалар)нинг **ҳомиладор аёлни комплекс кузатуви** бўйича қуйидаги чора-тадбирларни назарда тутувчи ўзаро ҳамкорлик ва мувофиқлаштирилишини таъминловчи **ягона тизимни** жорий этсин:

ҳомиладор аёлнинг комплекс кузатуви **ягона маълумотлар базаси**ни яратиш;

перинатал ва скрининг марказлари ҳамда бирламчи тиббий-санитария муассасаларидаги оналар ва болалар саломатлигига масъул тузилмалар томонидан ягона маълумотлар базасига **зарур маълумотларни** киритиш, шунингдек, ҳомиладор аёлларнинг тиббий картасини юритиш;

шаклланган маълумотларга асосан ҳомиладор аёлларга зарур **маслаҳатларни** бериш;

б) соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари А.Азизов билан биргаликда ҳомиладор аёлни энг эрта муддатларда ҳисобга олиниши, унинг ҳар кунги ҳолатидаги ўзгаришларни комплекс назорат қилиб бориш учун 2021 йил якунига қадар **ягона электрон база яратилишини таъминласин**;

в) Мактабгача таълим вазирлиги (А.Шин) ва Халқ таълими вазирлиги (Ш.Шерматов) билан биргаликда **икки ой муддат**да мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларда тўғри овқатланишни йўлга қўйиш мақсадида **2021/2022 ўқув йилидан бошлаб янгиланган овқатланиш рационини ҳамда ушбу йўналиш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига** бўлган талабларни тасдиқласин ва амалиётга киритсин. Бунда болаларнинг соғлиғига зарар ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган барча озиқ-овқат маҳсулотларини мактабгача таълим ташкилотлари ва мактаблар ҳудудида сотишга **чекловлар қўйилсин**.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати (Б.Юсупалиев) мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларда болаларнинг соғлом ва хавфсиз овқатланишини таъминлаш мақсадида белгиланган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига сўзсиз риоя этилиши устидан **назоратни кучайтирсин**.

15. Молия вазирлиги (Т.Ишметов):

оналар ва болалар, репродуктив ёшдаги аёллар саломатлигини таъминлаш учун зарур дори ва тиббиёт воситалари ("К" витамин, сурфактант ва бошқалар) билан қўшимча таъминлаш учун Давлат бюджетидан 2021 йилда **26 миллиард сўм** ажратсин, 2022 йилдан бошлаб мазкур банддаги харажатлар учун зарур маблағларни Давлат бюджети параметрларида кўзда тутсин;

болалар тиббиёт ва туғуруқ муассасаларида юқори технологик лаборатор ускуналаридан тўлақонли ва самарали фойдаланиш мақсадида 2022 йилдан бошлаб Давлат бюджетидан реактив, реагентлар, сарфлов анжомлари ҳамда сервис хизматлар учун қўшимча **8 миллиард сўм ажратсин**.

16. **Соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларни тезлаштириш бўйича "Йўл харитаси"** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

17. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг **Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини 2030 йилгача ривожлантириш стратегиясини** халқаро экспертлар ва ташкилотлар билан биргаликда ишлаб чиқиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асослантирилган буюртмаларига кўра Вазирлар Маҳкамасининг **захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан** "Соғлиқни сақлаш стратегияси — 2030"ни ишлаб чиқиш, хорижий ва маҳаллий экспертлар ҳамда ташкилотларни жалб қилиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш чораларини кўрсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н.Тўйчиев Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Хаджибаев), Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (А.Хасанов) билан биргаликда **бир ой муддат**да соғлиқни сақлаш вазири ўринбосарлари, ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари фаолиятини **баҳолаш тизимини** жорий этсин ҳамда **ҳар ярим йил якуни билан** тегишли таклифларни киритиб борсин.

Бунда натижа кўрсатган, хизмат сифатини яхшилаб, аҳолини рози қилган раҳбарларни тегишли Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими ташкилотлари маблағлари ҳисобидан **рағбатлантириш** ҳамда ишларни қониқарсиз ташкил этган **масъул кадрларга чора кўриш белгилансин**.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар 4-иловага мувофиқ киритилсин.

20. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

21. Ушбу қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири **А.М.Хаджибаев, унинг ўринбосарлари А.Ш.Иноятов, А.А.Азизов, У.Ю.Собиров, Э.И.Баситханова**, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

22. Мазкур қарорнинг ўз вақтида ва натижали ижро этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари **Б.А.Мусаев** ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари **Л.Н.Тўйчиев** зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан **ҳар чоракда** Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 25 май

# БАРЧА САЙЛОВЧИ – ЭЪТИБОРДА

*Кеча Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси билан Ўзбекистон Ногиронлар жамияти, Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти, Ўзбекистон Карлар жамияти ва Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси ўртасида ҳамкорлик бўйича келишувни имзолашга бағишланган маросим бўлиб ўтди.*

## Келишув

Бундан мақсад — шу йилнинг октябрь ойида ўтказиладиган Президент сайлови жараёнида ногиронлиги бўлган шахсларни бирлаштирган ташкилотлар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Зайниддин Низомхўжаев мамлакатимизда барча фуқароларнинг, шу жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлашнинг ҳуқуқий-ташкилий асослари ва самарали механизмлари умумэътироф этилган халқаро норма ҳамда стандартлар асосида шакллантирилганини таъкидлади.

Айтиш жоизки, бу давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2019 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексида ҳам мустаҳкамланган. Сайлов кодексида ногиронлиги бўлган фуқаролар ўзининг конституциявий ҳуқуқи бўлмиш сайлов ҳуқуқини бошқа фуқаролар билан тенг ва эркин амалга ошириши учун зарур шароит ҳамда имкониятлар яратишга оид қоидалар ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Марказий сайлов комиссияси сайловларга тайёргарлик жараёнида ногиронлиги бўлган фуқароларнинг алоҳида эҳтиёжларига ҳамиша жиддий эътибор қаратиб келади.

— Келишувнинг аҳамияти ниҳоятда катта, — дейди Ногиронлар жамияти раиси Комилжон Абдуллаев. — Чунки унда мамлакатимизда барча фуқаро, хусусан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлашнинг ҳуқуқий-ташкилий асослари мустаҳкамланган. Жумладан, Марказий сайлов комиссияси ва Ногиронлар жамияти ўртасида имзоланган ҳамкорлик келишувида ҳам ногиронлиги бўлган фуқароларнинг миллий сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиш ҳамда қўшимчалардан хабардорлигини оширишга қаратилган кўплаб вазифалар ўз ифодасини топган. Бу, албатта, Президент сайлови жараёнида ногиронлиги бўлган шахсларни бирлаштирган жамиятлар билан ҳамкорликни янада кучайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти марказий бошқаруви раиси Эргаш Норпўлатовнинг айтишича, Сайлов кодексининг тегишли моддасида сайлов бюллетенларини Брайль алифбоси асосида тўлдириш учун трафаретлар тайёрланиши назарда тутилган. Бу ногиронлиги бўлган шахсларнинг сайловда қатнашиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш борасидаги эътиборнинг амалдаги ёрқин ифодасидир. Ҳамкорлик тўғрисидаги келишув ногиронлиги бўлган сайловчиларнинг сайлов ҳуқуқларини самарали таъминлашда қўл келади.

Тадбирда қайд этилганидек, айни кунларда сайлов участкалари биносини ва овоз бериш хоналарини танлаш ҳамда жиҳозлашда Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигида белгиланган барча шарт-шароитни, хусусан, участка сайлов комиссияларининг жойлашган ери ногиронлиги бўлган сайловчиларнинг овоз бериш жойига келиб-кетиши, бинога кириб-чиқиши, бино ичида ҳаракатланиши, эркин ва тўсиқларсиз овоз бериши учун ҳар томонлама қулай бўлишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, сайлов жараёнида сайлов участкаларига олиб борувчи кўрсаткичлар кўринарли жойга ўрнатилиши, участка сайлов комиссияси биносида сайлов куни малакали тиббиёт ходимларининг навбатчилиги ташкил этилишига эътибор қаратилади.

Сайлов комиссиялари таркибига ижтимоий фаол ногиронлиги бўлган шахсларни киритиш ва уларнинг сайлов қонунчилигидан хабардорлигини оширишда ҳар томонлама кўмаклашилади. Сайловолди ташвиқотига оид телекўрсатувлар имо-ишора тили ва субтитр ёзувида бериб борилади.

Тадбирда Марказий сайлов комиссияси билан мазкур ташкилотлар ўртасида имзоланган келишув ногиронлиги бўлган сайловчиларнинг сайлов ҳуқуқларини самарали таъминлашга хизмат қилиши таъкидланди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ЎЗБЕКИСТОН – АФҒОНИСТОН ИШБИЛАРМОНЛАРИ БИЗНЕС ФОРУМИ

1

Ўзбекистонда ўтган икки йил мобайнида Афғонистон сармояси иштирокидаги корхоналар сони уч баробар кўпайиб, ўзаро савдо ҳажми 700 миллион доллардан ошган. Шу билан бирга, икки томонлама иқтисодий шерикликни чуқурлаштириш, саноат кооперациясини ривожлантириш ва ўзаро савдони ошириш бўйича ишга солинмаган салоҳият мавжуд. Жумладан, энергетика, тўқимачилик, озиқ-овқат, чарм-пойабзал, автомобиль саноати ҳамда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби соҳаларда инвестициявий ва савдо ҳамкорлиги тобора янги босқичга кўтарилмоқда.

— Аввало, таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон заминида бизни ғоят самимий қарши олишди, — дейди Балх вилояти волийси Муҳаммад Фарҳод Азимий. — Бундан жуда ҳам мамнунмиз. Барчамизга аёнки, Ўзбекистон томони Афғонистонда транспорт логистикаси, энергетика, савдо ва таълим соҳаларида йирик қўшма лойиҳаларни амалга оширмоқда. Сурхон — Пули-Хумри электр линияси, Термизда фаолият олиб бораётган Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази, божхона терминалига эга "Термиз-карго" логистика маркази, Мозори-Шариф — Ҳирот темир йўли шулар жумласидандир. Қолаверса, икки давлат ишбилармонлари учун чегара ҳудудида янги эркин иқтисодий зона барпо этилмоқда.

Ҳар икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси, амалий қадамлари туфайли азалдан дўст, қадрдон бўлиб келган ўзбек ва афғон халқларининг ўзаро ҳамкорлиги бугун тамомила янги босқичга чиққани қувончлидир, албатта.

Бизнес форумида афғонистонлик тадбиркорларга Ўзбекистонда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича яратилган шарт-шароитлар, давлат активларини хусусийлаштириш ҳамда давлат иштирокидаги корхоналарни трансформациялаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар, инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалда бўлган механизмлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Ўзбекистон ва Афғонистон ишбилармонлари ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик меморандумлари имзоланди.

Тадбир доирасида, шунингдек, ҳудудлар ва тармоқлараро саноат ярмаркаси, кооперация биржаси ҳамда "Made in Uzbekistan" миллий маҳсулотлар кўргазмаси, "B2B", "G2B" форматда учрашувлар ташкил этилади.

**Илҳом РАҲМАТОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ХАЛҚ НАЗОРАТИНИНГ ТАЪСИРЧАН ВА ЗАМОНАВИЙ УСУЛИ

*Ислоҳотлар муваффақияти кўп жиҳатдан ҳар бир туман, шаҳар, қишлоқ ва маҳаллаларда жамоатчилик, яъни халқ назоратининг қай даражада йўлга қўйилганига ҳам боғлиқ.*

## Электрон дастур

Хусусан, жорий йилда "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" ҳамда бошқа дастурлар ижроси доирасида 7 минг 794 та қишлоқ ва маҳаллада 20,8 триллион сўмлик қурилиш, таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш ишлари амалга оширилади. Бу борадаги вазифаларнинг сўзсиз рўёбга чиқарилишида эса таъсирчан назоратнинг аҳамияти катта.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси матбуот хизмати маълумотига кўра, ушбу дастурлар доирасидаги ишларнинг барча босқичини онлайн кузатиб бориш имконини берувчи электрон дастур ишга туширилди.

Дастурлар ижроси юзасидан жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш мақсадида махсус телеграм-бот (**@obod_mahalla_dasturi_bot**) дастури ҳам ишлаб чиқилди.

— Агар фуқаролар ўзлари яшаётган ҳудудда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида қурилаётган бино-иншоотларда камчиликларни пайқаса, қурилиш ишларининг сифатсиз олиб борилаётгани ёки тўхтаб қолганининг гувоҳи бўлса, асл ҳолатни суратга олиб, махсус телеграм-ботга жойлаштириши мумкин, — дейди Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг матбуот котиби — ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси Ҳаёт Шамсутдинов. — Бунинг учун, аввало, мавжуд камчиликни суратга олиш ҳамда махсус телеграм-ботга кириб, объект жойлашган ҳудудни белгилаб, сўнгра "юбориш" тугмаси босилса, кифоя. Электрон дастур "Ишчи гуруҳ"ни автоматик тарзда қизил белги билан келиб тушган мурожаат ҳақида хабардор қилади. Сўнгра "Ишчи гуруҳ" томонидан мавжуд салбий ҳолатни бартараф этиш чоралари кўрилади.

Айтиш жоизки, ҳар бир фуқаро қурилиш ишлари билан танишиб, камчиликлар тўғрисида ўз мурожаатини юбориш имкониятига эга. Шу орқали ўз уйи, маҳалласига бефарқ бўлмаган юртдошларимиз жамоатчилик назоратида фаол иштирок этиши мумкин бўлади.

**Р. ОТАМУРОДОВ.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси тўғрисида

# АХБОРОТ

1 Бундан ташқари, ер участкалари давлат ҳамда жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилишидан олдин етказилган зарарни қоплаш чоралари кўрилмаган ва айрим шахсларга етказилган зарарлар бугунги кунгача ҳам тўла қопланмаган.

Сенат Кенгаши мажлисида ҳокимият ҳамда мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ўрганиш натижалари юзасидан тайёрланган маълумотномада келтирилган ҳолатлар бўйича ахбороти эшитилди ҳамда жиддий хато-камчиликларга йўл қўйган мансабдор шахслар масаласини кўриб чиқиш ва уларга тегишли чоралар кўриш тўғрисида вилоят ҳокимлиги ҳамда вазирлик ва идоралар раҳбарларига кўрсатмалар берилди.

Кенгаш мажлисида айрим бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар маблағлари шакллантирилиши ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ўрганиш натижалари тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, 2018 — 2020 йилларда тест синовлари шаффоф ва адолатли ўтказилишини таъминлаш учун жамғарма ҳисобидан 93,3 миллиард сўм сарфланган. Шунга қарамай, 2019/2020 ўқув йили қабули тест синовларида иштирок этиш учун ариза берган абитуриентлардан 896,4 миллион сўм ортиқча тўлов ундирилган, 30 миллиард сўм маблағ тижорат банклари депозитларига электрон саралаш тизимидан тўғридан-тўғри тузилган келишув асосида жойлаштирилган.

Шунингдек, "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонун талабларига риоя қилмасдан 11,2 миллиард сўмлик харидлар амалга оширилган.

Жамоат ишлари жамғармаси маблағларидан 26 та туман (шаҳар) аҳоли бандлиги марказларига ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг 2020 йил учун харажатлар сметасига нисбатан жами 259,5 миллион сўм маблағ ортиқча сарфланган.

Бандлик марказлари томонидан амалда ишсиз деб эътироф этилмаган ва ҳақиқатда иш билан банд бўлган фуқароларга 93 миллион сўм жамғарма маблағи ноқонуний берилган. Охирги 2 йилда жамғарманинг 10 миллиард сўмдан ортиқ маблағи ноқонуний сарфланган.

Мажлисда Сирдарё вилоятидаги Сардоба сув омбори тўғонида юз берган техноген ҳолат оқибатларини бартараф этиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган қўшимча чора-тадбирлар ҳам кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, техноген ҳолатдан зарар кўрган Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманлари аҳолисига тезкорлик билан зарур ёрдам кўрсатилган.

Шунингдек, Сенат аъзолари жойларга чиқиб, тадбиркорлик субъектлари, фуқаролардан тушган мурожаатлар асосида мавжуд ҳолатни ўрганиб чиқди. Бу масала Олий Мажлис Сенати томонидан доимий назоратга олинган.

Жорий йил апрелда Сирдарё вилоятида сув тошқини талафотларини бартараф этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар доирасида Ҳукумат комиссияси томонидан балиқчилик, чорвачилик ва паррандачилик йўналишларига ихтисослашган тадбиркорлик субъектларига етказилган зарар миқдорини қоплаш ҳамда ирригация ва мелиорация тармоқларини қуриш-тиклаш ишлари учун зарур бўладиган маблағ миқдори (126 млрд. сўм) ҳисоблаб чиқилган.

Сенат Кенгаши талаб этиладиган маблағларни Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан босқичма-босқич ажратиш таклифини маъқуллади.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлисини 2021 йил 28 май куни чақириш тўғрисида Олий Мажлис Сенати Кенгашининг тегишли қарори қабул қилинди.

Видеоконференцалоқа шаклида ўтказиладиган ялпи мажлисда бир қатор масалалар кўриб чиқилиши режалаштирилган. Шу жумладан, "Транспорт тўғрисида"ги, "Қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъат ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ҳамда бошқа қатор қонунлар муҳокама қилиниши кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасида 2030 йилга қадар гендер тенгликка эришиш стратегияси тўғрисидаги масала кўрилади ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2020 йил ва 2021 йил биринчи чораги якуни бўйича ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар эшитилади.

Ялпи мажлисда таълим муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммолар ҳамда коронавирус пандемиясидан кейин туризмни тиклаш ва ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ҳолати юзасидан Вазирлар Маҳкамасига парламент сўровлари юбориш, шунингдек, бошқа масалалар кўриб чиқилиши ҳам режалаштирилган.

**Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.**

# БЮДЖЕТДАН МАБЛАҒ АЖРАТИШДА, АВВАЛО, УЛАРДАН КУТИЛАЁТГАН САМАРАДОРЛИК МУҲИМ

1 Давлат бюджетининг 2020 йилдаги харажатлари 144,1 триллион сўмни ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 24,8 фоизни ташкил этди. Ҳисобот даврида ижтимоий харажатларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 74,2 триллион сўм ёки умумий харажатларнинг 51,5 фоизи миқдорида маблағ сарфланди. Харажатларнинг 85,1 фоизи ёки 63,2 триллион сўми ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари ҳиссасига тўғри келди.

Таъкидланишича, санитария-гигиена тадбирларини амалга ошириш, COVID-19 билан касалланганларни даволаш, иқтисодиётнинг энг кўп зарар кўрган соҳаларини қўллаб-қувватлаш ва янги иш ўринларини яратиш орқали пандемия оқибатларини юмшатиш билан боғлиқ тадбирларга турли манбалар ҳисобидан 77,2 триллион сўм ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 13,3 фоиз миқдорида маблағлар йўналтирилди.

Ҳисобот муҳокамаси жараёнида депутатлар ижобий натижаларни эътироф этган ҳолда, Давлат бюджети ижросига оид айрим камчиликларга ҳам алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, 2020 йил давомида вазирлик ва идораларда ташкил этилган ички аудит ҳамда молиявий назорат хизматлари томонидан 2 минг 726 та назорат тадбирида жами 309,2 миллиард сўмлик молиявий хато ва камчиликлар аниқланди. Шундан 1 минг 238 та текшириш ҳужжатлари қонуний чора кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилган.

Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти томонидан 2020 йилда ўтказилган 6 минг 944 та молиявий назорат тадбирининг асосий қисми, яъни 4 минг 729 таси бюджет интизомига риоя этилиши ва бюджет маблағларининг мақсадли ишлатилиши юзасидан ўтказилган. Назорат тадбирларида аниқланган 246 миллиард сўм миқдоридаги бюджет интизомининг бузилиши, пул ҳамда товар моддий бойликлар камомади, асоссиз харажатлар учун 168,8 миллиард сўм бюджетга тикланиши таъминланган.

Депутатлар бюджет интизоми, шаффофлиги ҳамда ҳисобдорлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Бюджетдан маблағ ажратишда, аввало, улардан кутилаётган самарадорлик ва натижадорликни ҳисобга олиш муҳимлиги таъкидланди.

Ғазначилик тизимида автоматлашган тартиб ҳамон тўлақонли жорий қилинмаган. Ягона ғазна ҳисобварағидаги вақтинча бўш маблағларни танлов ўтказмасдан, тўғридан-тўғри Марказий банк депозитига жойлаштириш ҳолатлари мавжуд. Марказий банк томонидан 260,5 миллиард сўм фоизлар тарзидаги даромадлар ҳисобланиб, 15 фоизлик ставкада тўлов манбаида 39,1 миллиард сўм солиқ суммаси республика бюджетига тўлаб берилмаганлиги алоҳида қайд этилди.

Муҳокамаларда халқ вакиллари юридик шахслар томонидан ишчиларнинг иш ҳақи ҳисобидан 231 минг 213 та ҳолатда 243,4 миллиард сўм маблағлар жисмоний шахсларнинг мол-мулк ҳамда ер солиғига тўловлар тарзида ўтказилганлиги ва бу тўловлар ходимларнинг розилигини олиб ёки олмай ўтказилганлиги масаласига эътиборни қаратди.

Республика бўйича 2020 йил давомида фаолият кўрсатган 14 минг 359 та хўжалик юритувчи субъектнинг 33,6 миллиард сўмлик ортиқча тўланган солиқ суммаси қайтариб берилмаганлиги ёки фоизлар ҳисобланмаганлиги депутатларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлди.

2020 йилда манбаси мавжуд бўлмаган ҳолда даромадлар режасининг ошириб бажарилиши натижасида шаклланган маблағларга нисбатан, республика бюджетидан 224,3 миллиард сўм, 3 та вилоят бюджетида 6,1 миллиард сўм, 109 та туман ва шаҳарда 89,6 миллиард сўм, жами 320,0 миллиард сўм миқдоридаги ортиқча харажатлар амалга оширилган.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2020 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ташқи аудит ва баҳолашдан ўтказиш натижалари тўғрисида тайёрлаган хулосасида келтирилган бир қатор салбий ҳолатларни халқ вакиллари кенг муҳокама этди.

Қизғин муҳокамалар давомида парламент қуйи палатаси вакиллари маҳаллий давлат органлари мансабдор шахсларининг ижро интизомини ошириш, Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг келгуси давр учун ўз вақтида, сифатли ижро этилиши устидан парламент назоратини кучайтириш, бунинг учун парламент депутатлари тегишли халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан яқин ҳамкорлик қилишга доир аниқ вазифаларни белгилаб олиш зарурлигини таъкидлади.

Мажлисда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2020 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисобот юзасидан тегишли қарори қабул қилинди.

* * *

Депутатлар шу куннинг ўзида Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2021 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ҳам кўриб чиқди.

Ҳисоботда 2021 йилда ҳам COVID-19 пандемияси асоратлари сақланиб қолаётган глобал иқтисодий инқироз натижасида ташқи иқтисодий ҳолат бўйича хатарлар ноаниқлиги юқорилигича сақланиб қолаётгани таъкидланди.

Иқтисодиётни жонлантириш ҳамда истеъмолни рағбатлантириш мақсадида ижтимоий харажатлар 2021 йил 1-чорак якуни билан ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 21 фоиз оширилиб, 18,2 триллион сўмни ташкил қилди.

Ҳозир юзага келган пандемия шароитида Санитария эпидемиологик осойишталик агентлиги ва унинг ҳудудий марказларига коронавируснинг янги тури кириб келиши ҳамда тарқалишининг олдини олишга қаратилган тадбирлар учун 2021 йилнинг 1-чорагида жами 387,5 миллиард сўм маблағ ажратилди, шундан коронавирус тарқалишининг олдини олишга қаратилган тадбирларга жалб этилган тиббиёт, санитария-эпидемиологик ва бошқа ходимларнинг 46 минг 765 нафарига 186,7 миллиард сўм қўшимча рағбатлантириш тўловлари тўланди.

Шу билан бирга, 2021 йил 1-чорагида Ўзбекистон Республикаси давлат мақсадли жамғармалари даромадлари прогнози 8 436,9 миллиард сўм бўлиб, прогноз кўрсаткичлари 8 787,7 миллиард сўм билан ёки 104 фоиз бажарилди. Шундан, Давлат бюджетидан ажратилган трансфертлар 2 328,5 миллиард сўмни ташкил этди.

Мажлисда депутатлар таъкидлаганидек, ўтган давр ичида эришилган ижобий натижалар билан бир қаторда, бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши борасида йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар ошиб бормоқда. Бу ҳолат аҳолининг эътирозларига сабаб бўлмоқда. Бундай камчиликларни кўплаб соҳаларда учратиш мумкин. Жумладан, Халқ таълими вазирлиги тизимида ўтказилган 248 та назорат тадбирининг 198 тасида 43,3 миллиард сўм миқдорида қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, ўтган йилнинг мос давридагига (9,4 млрд. сўм) нисбатан кўрсаткич 4,6 марта ортган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида ўтказилган 275 та назорат тадбирининг 212 тасида 23,3 миллиард сўм миқдорида қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, ўтган йилнинг мос давридагига (7,9 млрд. сўм) нисбатан бу рақам 2,9 марта ошган. Мактабгача таълим вазирлиги тизимида ўтказилган 289 та назорат тадбирининг 242 тасида 41,2 миллиард сўм миқдорида қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, ўтган йилнинг мос давридагига (5,4 млрд. сўм) нисбатан қонунбузилиш ҳолатлари 7,6 марта кўпайган.

Парламент қуйи палатаси аъзолари мажлисда иштирок этган мутасадди вазирлик ҳамда идоралар раҳбарларининг эътиборини пандемия шароитида Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг даромад ҳамда харажатларини амалга оширишда келгуси чоракларда кўзда тутилиши лозим бўлган бошқа долзарб вазифаларга ҳам қаратди. Халқ вакиллари бу борада парламент назоратини янада кучайтириш мақсадга мувофиқлигини таъкидлади.

Мажлис якунига кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2021 йил биринчи чорак ижроси тўғрисидаги ҳисобот юзасидан тегишли қарорни тавсиялар билан қабул қилди.

## Давлат бюджети ижроси юзасидан фракцияларнинг нуқтаи назари

**ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари** бюджетдан ажратилаётган маблағларнинг самарали ҳамда мақсадли сарфланишини таъминлашда мутасадди вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар масъулиятини янада ошириш, бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларда молиявий интизомга риоя этилиш юзасидан назоратни янада кучайтириш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар берди.

Шунингдек, партия электорати бўлган тадбиркор ва ишбилармонлар, фермерлар, кластерлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш жуда муҳимлиги билдирилди. Бу борада кредит ресурсларининг мақсадли ажратилиши орқали уларни қўллаб-қувватлаш, қонунчиликда белгиланган субсидияларнинг ажратилиши алоҳида назоратга олиниши кераклиги сўралди.

**ЎзМТДП фракцияси вакиллари** пандемия шароитида молиявий кўмакка муҳтож бўлган қатламларни қўллаб-қувватлаш, шу билан бир қаторда, дунё давлатларидаги ижтимоий-иқтисодий мувозанатни издан чиқарган ҳолатнинг мамлакатимиз иқтисодиётига зарарли оқибатларини камайтириш бўйича олиб борилган ишларни эътироф этиб, фуқароларнинг пенсия таъминоти масаласини тўғри ташкил қилиш, пенсия ва нафақаларни тайинлашда фуқаролар учун янада қулай шароитлар яратиш бўйича таклифлар берди. Фракция бу масалани "Парламент эшитуви" доирасида кўриб чиқиш истагида эканини маълум қилди.

**"Адолат" СДП фракцияси депутатлари** Давлат бюджетининг ҳисобот давридаги харажатларининг ижтимоий йўналтирилганлиги бугунги пандемия шароитида тўлақонли равишда ижобий натижа берганлигини эътироф этиб, бир қатор таклифлар берди. Хусусан, таълим тизимига ажратилаётган маблағларнинг ўз вақтида ва мақсадли сарфланишини таъминлаш, бу орқали соҳадаги ислоҳотларни изчил олиб бориш, таълим жараёни даражаси ҳамда сифатини такомиллаштириш, шунингдек, мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар таълими ва олий ўқув юртлари ходимларининг нуфузини оширишга қаратилган ислоҳотларни янада жадаллаштириш зарурлиги айтилди. Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилаётган маблағлар жойларга ўз вақтида етиб бормаётганлиги масаласига эътибор қаратилди.

**ЎзХДП фракцияси аъзолари** ҳисоботларда давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг ишлатилиши бўйича маълумотларнинг тўлиқ эмаслиги реал вазиятни муҳокама қилиш имкониятларини чеклаётганини билдирди. Мисол учун, Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси харажатлари 213,5 миллиард сўмни ташкил этгани ҳақида маълумот берилган. Аммо мазкур маблағларнинг қанчаси ўзлаштирилгани, қандай натижаларга эришилгани тўлиқ очилмаган.

Фракция мазкур йўналишда шаффофликни ошириш, кейинги ҳисоботларда кенгроқ ахборот бериш бўйича таклифлар билдирди. Давлат бюджети маблағларини депозитга қўйиш ҳолатлари юзасидан ўз эътирозларини билдирди.

**Ўзбекистон Экологик партияси** депутатлари эса ҳисобот даврида Давлат бюджетидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик муаммоларни бартараф этиш учун маблағларнинг ажратилишини ижобий баҳолаган ҳолда, мазкур маблағлардан масъул вазирлик ҳамда идоралар томонидан ҳар доим ҳам самарали ва ўз вақтида фойдаланилмаётганлиги юзасидан танқидий фикрлар билдирди. Шунингдек, шаҳарларда маиший чиқиндиларни йиғиш, ташиш, утилизация қилиш ва қайта ишлаш тизимларини ривожлантириш бўйича инвестиция ҳамда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш юзасидан таклифлар илгари сурилди.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.**

# ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАРНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

*Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили, элчи Питер Буриан билан учрашди.*

## Мулоқот

Учрашувда икки томонлама ҳамкорликнинг, шу жумладан, парламентлараро алоқаларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама этилди.

П. Буриан мамлакатимизда давлат ва жамият бошқарувини, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, хавфсизликни мустаҳкамлаш ва кўплаб соҳаларни ислоҳ қилиш борасида олиб борилаётган ишларни юқори баҳолади ҳамда Ўзбекистон ўз тарихида биринчи марта БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо бўлганига алоҳида урғу берди.

Томонлар БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессияси навбатдаги ялпи мажлисида Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудудига айлантириш тўғрисидаги резолюция қабул қилиниши нуқтаи назаридан ҳамкорликни ривожлантириш хусусида фикр алмашдилар.

Учрашув давомида Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги парламентлараро алоқаларни янада ривожлантириш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Бу борада, шубҳасиз, "Ўзбекистон — Европа Иттифоқи" парламент ҳамкорлиги қўмитаси билан мунтазам олиб борилаётган ўзаро алоқалар алоҳида ўрин тутади. Шу йилнинг апрель ойи охирида "Европа Иттифоқи — Ўзбекистон" дўстлик гуруҳи таъсис этилиши эса томонлар ўртасидаги муваффақиятли, очиқ ва конструктив мулоқот натижасидир.

Шунингдек, жорий йилнинг апрель ойидан бошлаб Ўзбекистон "GSP+" Преференциялар бош тизими плюс бенефициар мамлакати мақомини олгани, бу Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи муносабатларини, айниқса, савдо-иқтисодий соҳасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши қайд этилди.

Мулоқот давомида шу йил июнь ойида Бухорода Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда глобал парламентлараро ҳамкорлик халқаро форумини ўтказиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Бундан ташқари, "ЕИ — Ўзбекистон" парламент ҳамкорлиги қўмитасининг 15-мажлисини ташкил этиш масалалари муҳокама этилди ҳамда томонлар ўзларини қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашди.

**«Халқ сўзи».**

# МИССИЯ ЭКСПЕРТЛАРИ САЙЛОВОЛДИ ВАЗИЯТНИ БАҲОЛАЙДИ

*Кеча Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоевнинг ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси Эҳтиёжларни баҳолаш миссияси катта маслаҳатчиси бошчилигидаги экспертлар делегацияси билан учрашуви бўлиб ўтди.*

## Учрашув

Миссиянинг мақсади шу йил октябрь ойида бўлиб ўтадиган Президент сайловига тайёргарлик арафасида сайловолди вазиятни баҳолаш, ЕХҲТ ДИИҲБ кузатувчилари миссиясининг мақбул форматини белгилашдан иборат. Унинг якуни бўйича халқаро кузатув ўтказиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида тавсиялар ишлаб чиқилади.

Томонлар қайд этганидек, миллий сайлов қонунчилиги хорижий экспертлар, шу жумладан, ЕХҲТ ДИИҲБнинг тавсияларини ҳисобга олган ҳолда, сайлов амалиётидан келиб чиқиб, изчил такомиллашитириб борилиши билан ажралиб туради.

Делегация аъзолари Ўзбекистонда бутун сайлов жараёни демократик тамойил ва стандартларга тўлиқ мос равишда ўтиши учун мамлакатда сайлов тизимини янада такомиллаштириш масалаларига қаратилаётган эътиборни юқори баҳолади.

Учрашувда томонлар ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан ҳам фикр алмашди, айни чоғда, ҳамкорлик ва ўзаро муносабатларни янада чуқурлаштиришга тайёр эканликларини таъкидлади.

**Олий Мажлис Сенатининг Ахборот хизмати.**

# ҲАР БИР МАСАЛА ҚИЗҒИН БАҲС-МУНОЗАРАГА САБАБ БЎЛМОҚДА

*Олий Мажлис Сенати қўмиталари йиғилишларида парламент юқори палатасининг галдаги ялпи мажлиси муҳокамасига киритилаётган масалалар дастлабки тарзда кўриб чиқилмоқда. Мазкур масалалар мамлакатимизнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётига хизмат қилиши билан алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис улар сенаторларнинг қизғин баҳс-мунозарасига сабаб бўлмоқда.*

## Сенат қўмиталарида

### Давлат сиёсатини ишлаб чиқишда аҳамияти катта

Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитасининг кенгайтирилган мажлисида бир қатор қонунлар, шу жумладан, "Транспорт тўғрисида"ги қонун кўрилди. Зеро, мазкур ҳужжат барча турдаги транспорт воситаларининг оптимал ва мувозанатлашган ўзаро алоқасининг ҳуқуқий, иқтисодий ҳамда ташкилий асосларини белгилаш, ўз навбатида, соҳа фаолиятини натижадор ташкил этишда ягона транспорт тармоғига бирлашиш, самарали транспорт-логистика тизимидан фойдаланиш асосида транспорт турларини уйғун ривожлантириш бўйича давлат сиёсатини ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга.

Мажлисда Давлат бюджетининг 2020 йил якунлари бўйича ижроси ҳам кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, Давлат бюджетининг 2020 йилдаги харажатлари (давлат мақсадли жамғармаларисиз) 144 триллион 142,7 миллиард сўмни ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 24,8 фоизни ташкил этган. Оролбўйи минтақасида амалга оширилаётган экологик тикланишларга 44,1 миллиард сўм миқдордаги маблағлар сарфланган.

Тадбирда "2020 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури" ижроси юзасидан ҳам ахборот берилди. Дастурга кўра жорий йил 1 май ҳолатига 840 та лойиҳа (4 трлн. 777,8 млрд. сўмлик) ишга туширилиб, 5 минг 75 та иш ўрни яратилгани айтиб ўтилди. Айни пайтда эса ҳудудда халқаро молия институтларининг қиймати 1 326,7 миллион АҚШ долларига тенг 20 та лойиҳасини амалга ошириш ишлари олиб борилаётир.

### Меҳнат муҳофазаси ва гигиенаси бўйича халқаро стандартларни татбиқ этишга кўмаклашади

Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2021 йил биринчи чораги якунлари бўйича ижроси тўғрисидаги ҳисоботи, "Халқаро меҳнат ташкилотининг Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига кўмаклашиш асослари тўғрисидаги 187-сонли конвенциясини (Женева, 2006 йил 15 июнь) ратификация қилиш ҳақида"ги қонун ҳамда коронавирус пандемиясидан кейин туризмни тиклаш ва ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ижроси бўйича Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш масаласи муҳокама этилди.

Сенаторлар фикрича, ХМТнинг 187-сонли конвенцияси ратификация қилиниши меҳнат муҳофазаси ва гигиенаси бўйича халқаро стандартларни самарали татбиқ этишга кўмаклашади, ишчилар учун қўшимча кафолатлар яратади ҳамда меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини таъминлашга доир асосий халқаро принцип ва стандартларга Ўзбекистоннинг содиқлигини кўрсатади.

Мажлисда, шунингдек, коронавирус пандемиясидан кейин туризмни тиклаш ва ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ижроси ҳолати юзасидан парламент сўрови лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

### Мева-сабзавотчиликни ривожлантириш учун йўналтирилди

Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси мажлисида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларнинг 2021 йил 1-чораги якунидаги ижроси юзасидан қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари А. Тўраев ахбороти эшитилди.

Қайд этилганидек, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўналишида Президентимизнинг "Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Мавжуд ер майдонларидан самарали фойдаланиш ва 2021 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш тўғрисида"ги қарорлари асосида ҳудудларда кўплаб ишлар бажарилган. Хусусан, 2021 йил 1-чорак якуни билан 55,7 минг гектар мевали боғ ва 31,6 минг гектар узумзор барпо этилган ҳамда 1,7 минг гектар сабзавот, 1,1 минг гектар картошка, 485 гектар полиз экинлари экилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 11 августдаги қарори билан Жаҳон банкидан 500 миллион доллар маблағ ажратилиши кўзда тутилган бўлиб, бу маблағни жалб қилиш мақсадида Қишлоқ хўжалиги ва Молия вазирликлари ҳамда Марказий банк томонидан махсус низом ишлаб чиқилган. Унга асосан, қатор банкларга муайян суммалар ажратилиб, мева-сабзавотчилик соҳасини ривожлантириш учун йўналтирилди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси иштирокида эса қиймати 92,4 миллион долларлик "Қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш" лойиҳаси рўёбга чиқарилаётир.

Шунингдек, тадбирда Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2020 йил якунлари ҳамда 2021 йилнинг биринчи чораги якунлари бўйича Молия вазирлиги вакили ахборот берди.

### Ёшлар бандлигини таъминлаш борасида ҳал қилиниши зарур бўлган масалалар мавжуд

Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси мажлисида таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлашдаги долзарб муаммолар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига парламент сўровини юбориш тўғрисидаги масала муҳокама марказида бўлди.

Таъкидланганидек, Сенат қўмитаси томонидан таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш юзасидан ўтказилган ўрганишлар айни пайтда нафақат ўрта, балки олий маълумотли ёшларнинг бандлигини таъминлаш борасида ҳам ҳал қилиниши зарур бўлган масалалар борлигини кўрсатди.

Мамлакатимизда 2021 йил 1 январь ҳолатига кўра, 19,1 миллион меҳнат ресурсининг 14,8 миллион нафари иқтисодий фаол аҳоли ҳисобланади. Шундан 13,2 миллион нафари ўз иш жойига эга, 1,6 миллион аҳолининг бандлигини таъминлаш талаб этилади.

Шунингдек, меҳнат бозорига 2021 йилда жами 560 минг битирувчи кириб келади. Натижада бу йилда ёшлар бандлигини таъминлаш учун эҳтиёж 1 миллион 365,2 минг нафарни ташкил қилади.

2020 йилда республикада жами банд бўлганларнинг 11,1 миллион нафари хусусий секторда меҳнат қилмоқда. Бу эса тадбиркорлик субъектлари ва олий таълим муассасалари ўртасида мақсадли кадрлар тайёрлаш, кадрларга буюртма бериш тизимида тўғридан-тўғри ҳамкорликни янада кенгайтириш зарурлигини англатади.

Сенаторлар битирувчилар бандлигини таъминлаш масаласида илғор хорижий давлатлардаги ижобий тажрибаларни ўрганиш зарурлигини ҳам таъкидлади.

Шулар инобатга олиниб, таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласида Ҳукуматга парламент сўрови киритиш бўйича қўмита қарори қабул қилинди.

### Гендер тенгликка эришиш стратегияси қабул қилинади

Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси мажлисида Ўзбекистон Республикасида 2030 йилга қадар гендер тенгликка эришиш стратегиясининг якуний лойиҳаси дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Эътироф этилганидек, Олий Мажлис Сенатида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси, Сенат Раиси раҳбарлигида Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия ташкил этилиши юртимизда бу йўналишга катта эътибор қаратилаётганини билдиради.

Давлат бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, халқаро экспертлар вакилларидан иборат ишчи гуруҳ томонидан Ўзбекистон Республикасида 2030 йилга қадар гендер тенгликка эришиш стратегияси ишлаб чиқилди. Эътиборли жиҳати, мазкур стратегиядаги йўналишлар БМТнинг 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадларига мувофиқдир. Шунингдек, унда юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни янада жадаллаштириш ва меҳнат бозорига кириб келаётган хотин-қизларни тўла қамраб олиш учун ишбилармонлик, инвестициявий муҳитни яхшилашга жиддий эътибор қаратилган.

Мазкур стратегияни амалга ошириш натижасида юқори ва қуйи тизимдаги давлат органларининг раҳбарлик лавозимларига хотин-қизларни тайинлаш амалиёти кенгаяди. Гендер номутаносиблик мавжуд бўлган давлат органларида вақтинчалик квоталаш тизими жорий қилиниб, аёллар ҳамда эркаклар ўртасидаги мутаносиблик таъминланади. Муҳими, хотин-қизларга нисбатан иш жойидаги тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олди олиниб, жамиятда уларга нисбатан шаклланган салбий қарашларга barҳам берилади.

*Бўлиб ўтган йиғилишларда муҳокама қилинган масалалар юзасидан қўмиталарнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.*

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ («Халқ сўзи»).**

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — МАКТАБ ОСТОНАСИДАН БОШЛАНАДИ



## Оққан дарё оқмай қолмас

**Сарвар АБДУЛЛАЕВ,**
**Муҳаммадризо Огаҳий номидаги хорижий тилларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган ижод мактаби директори:**



— Президентимиз табригида ёшларга мурожаат қилинаркан, уларнинг бахт-саодатини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларга урғу берилди. Мактабни битириб чиқаётган йигит-қизларнинг биронтаси эътибордан четда қолмаслиги, уларнинг ҳар бири халқимиз, Ватанимизнинг чексиз меҳри ва юксак эътиборини ҳис қилиб яшаши яна бир бор таъкидланди.

Кўпчилик яхши биладики, мамлакатимиз истиқлолига қадар ёшларимизга техникага уқувсиз, тил ўрганишга кучи етмас, жўн ишлардан бошқасига ароқсиз, умуман, муте ва қарам халқ вакили сифатида қараб келинди. Жаҳоннинг нуфузли спорт майдонларида, фан олимпиадаларида ўғил-қизларимиз номи тилга олинмасди. Кейинчалик ҳам қанчадан-қанча истеъдодли ёшларимиз таълим сустлашиб кетганидан оддий ишчи сифатида четга улоқиб кетди. Мана, халқимиз орзу қилган кунлар келди. Бугун мактаб тақдирига миллат тақдири сифатида қаралмоқда. Президент, ижод ҳамда қатор ихтисослаштирилган мактабларнинг очилгани Ватанимиз таълим тизимида халқимиз орзусидаги мутлақо янги босқични бошлаб берди.

Хоразмдаги Огаҳий ижод мактаби ҳам мамлакатимиздаги бошқа мактабларга андоза бўла олади. Жонкуяр муаллимларимиз ёш авлодга ғайрат ва шижоат билан таълим бериб келмоқда. Ижод мактабимизда энг иқтидорли, зеҳнли болалар ўқийди. Улар бир неча хорижий тилларни ўз она тилимиздек мукаммал ўрганмоқда. Ўқувчиларимизнинг нафақат адабиёт, математика, география, балки бошқа фанлардан ҳам қўлга киритган ютуқлари кўп.

Оққан дарё оқмай қолмас. Бобомиз Ал-Хоразмий “Алгоритм” номи билан жаҳоншумул математикага асос солган, география, астрономия каби фанларнинг бошланғич назариясини яратган. Юрагида ўти бор, кўзлари ёниб турган ўқувчилар орасидан ҳам ўз илми, ихтиролари билан дунё илм-фани ривожига ҳисса қўшадиган олимлар етишиб чиқишига ишонамиз.

## Муаллимлар қадри тикланди

**Убайдулла ОРИПОВ,**
**Абдулла Орипов номидаги она тили ва адабиёт фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган ижод мактаби директори:**



— Табрикда юртимизда олижаноб касб эгалари бўлган ўқитувчилар, устоз-мураббийларнинг машаққатли меҳнатини муносиб рағбатлантириш, уларнинг иш ва турмуш шароитини яхшилаш, жамиятдаги обрў-эътиборини оширишга муҳим аҳамият қаратилаётгани таъкидланди.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда ўқитувчининг одамлар орасидаги, жамиятдаги ўрни, инсоний қадр-қиммати жойига қўйилди. Яширишга ҳожат йўқ, яқин ўтмишда бозор иқтисодиёти бошқа соҳалар каби таълим тизимини ҳам жиддий синовдан ўтказди. Моддий рағбатга муҳтож ўқитувчилар ўзини бозорга урди, таълим, асосан, аёл педагоглар, ҳатто соҳада ишлашга лаёқатсиз кимсалар қўлида қолиб кетди. Бу ёшлар тарбиясига ҳам таъсир ўтказди — маънан қашшоқлашди. Устига-устак, муаллимлар сабоқ берадиган пайти болаларни ёнига олиб, далама-дала изиллаб, қимматли вақтини ўғирловчи ортиқча расмиятчиликлар билан овора бўлди.

Президентимизнинг қатъий иродаси туфайли таълим-тарбия тизими бутунлай янгиланди. Айтиш керакки, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар фаолияти бу борада чинакам маёқ бўлмоқда. Бугун ўқитувчиларга катта имтиёзлар берилган — таълим ривожи йўлида ҳеч нарса аялмаяпти. Муаллимлар қадр-қимматини ошириш борасидаги эзгу ишлар ўз устимизда изланишга, ҳар бир дарсни замон талабларига мос даражада ўтишимизга имкон яратмоқда. Натижада мактабга ўз соҳасининг фидойилари қайтмоқда.

Қашқадарёда улуғ шоиримиз номи билан ижод мактаби очилгани ғоят оқилона иш, айни чоғда адабиётга, маънавиятга юксак эътибор намунаси бўлди. Бу халқимизнинг бир қувончига ўн қувонч қўшди.

Давлатимиз раҳбари мактабимизга ташриф буюрганида “Ёшлар орасидан эртага Абдулла Ориповдек улуғ ижодкорлар етишиб чиқишига ишонаман”, деди. Дарҳақиқат, ўзбек шеъриятини юксак мақомга кўтарган буюк шоир истеъдодли ёшлар учун чинакам ибрат тимсолидир. Мана шундай қутлуғ даргоҳда ишлаш, ўйлаймизки, ҳар бир педагогга чексиз ғурур, шу билан бирга, катта масъулият, ғайрат-шижоат бағишлайди. Олдимизда турган вазифаларни адо этиш учун эса барча шарт-шароитлар муҳайё, Президентимиз, халқимиз бизни доим қўллаб-қувватлаб турибди.

## Соғлом рақобат ўқувчиларни курашишга ундамоқда

**Нигора МАННОПОВА,**
**Эркин Воҳидов номидаги она тили ва адабиётни ҳамда хорижий тилларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган ижод мактаби директори:**



— Давлатимиз раҳбари табригида бугунги кунда бутун юртимизни қамраб олган беш муҳим ташаббус доирасида ҳам ёшларнинг етук инсонлар бўлиб камол топиши учун кўп ишлар қилинаётганига урғу берилди.

Мамлакатимизда фарзандларимизни санъат дунёсига ошно этиш, спортга жалб қилиш, уларнинг компьютер ва IT-технологиялар соҳасида билим ҳамда кўникмаларини шакллантириш, китобхонлик маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас.

Глобаллашув, маънавий таҳдид, “оммавий маданият” соя солаётган даврда ёшлар қалбига йўл топиш, уларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини кучайтиришда энг тўғри йўл шу. Дарахтнинг илдизи қанча чуқур кетса, шунча мустаҳкам бўлади. Илдизи юзадаги ниҳолни катта довул эмас, кичик бир шамол ҳам ағдаради. Илм-маърифат ёшларимизнинг илдизини мустаҳкам қилади — гуркураб униб-ўсишига туртки беради. Фаолиятимиз давомида бунга амин бўлмоқдамиз.

Мактабимизга ташриф буюриб, бу ердаги ўқитиш тизими ва шарт-шароитларни кўрган Туркиянинг Хожа Байрам Вали университети олими Билол Чўк “Мен ўзимни жаннатга тушиб қолгандек ҳис қилдим. Ҳаяжонимни сўз билан таърифлай олмайман”, дея ҳайратга тушган бўлса, Озарбайжон, Тожикистон, Қирғизистон, Беларусь, Россия ва бошқа давлатлардан келган меҳмонлар “Ижод мактабининг дунёда муқобили йўқ”, деб эътироф этдилар.

Ўқувчиларимизнинг қарийб 99 фоизини таътил чоғи қишлоқларда, чекка ҳудудларда сайёр қабуллар ташкил этиб, кашф қилганмиз. Ижод мактаблари орасида илк бор ижодий имтиҳон ўтказиш орқали чин истеъдодларни тест синови баҳолай олмаслигини исботлаб бердик. Бу тажрибамиз ўзини оқлаб, бутун ижод мактабларига жорий этилди. Ёш иқтидорларни излашдан тўхтамаслик учун мактабимизда ҳар чоракда ижодий ва ихтисослик фанидан мониторинг ўтказилади. Унинг натижаларига кўра, паст ўзлаштирганлар ўз мактабига қайтарилади. Табиийки, ота-оналар фарзандлари ортга қайтишини истамайди, бироқ талабимизга жавоб бермайдиган ёшлар билан хайрлашишга мажбур бўламиз. Мезон ҳаммага бир хил, ҳалоллик ҳамда адолат — бош тамойилимиз. Муассасамизда қарор топган соғлом рақобат муҳити ўқувчиларимизни ўз кучига ишониб, олдинга интилишга ва ўқиш учун курашишга ундамоқда.

## Ўзбекистоннинг олтин фонди

**Маъмура ЮСУПОВА,**
**Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги она тили ва адабиёт фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган ижод мактаби ўқитувчиси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори:**



— Табрикда ихтисослаштирилган мактабларда таълим-тарбия олаётган ўғил-қизларнинг халқаро фан олимпиадалари, ижодий фестиваль ва танловларда юқори ўринларни эгаллаётгани, мамлакатимиз ҳамда хориждаги нуфузли олийгоҳларга кириб ўқиш ҳуқуқини қўлга киритаётгани таъкидланганидан жуда хурсанд бўлдик.

Ҳақиқатан ҳам, охирги бир ярим йилда Ўзбекистоннинг иқтидорли ўқувчилари халқаро олимпиадаларда 4 та олтин, 18 та кумуш, 30 та бронза медални қўлга киритгани ҳар биримизни чексиз ғурурлантиради.

Бизнинг мактабимиз ёшлари ҳам яратилган қулайлик ва шарт-шароитлардан самарали фойдаланишга интилмоқда. Мисол учун, 10-синф ўқувчиси Ирода Холбекованинг таржималари хорижий матбуотда ҳам чоп этилмоқда. Беш нафар ўқувчимизнинг ижод намуналари китоб ҳолида нашр қилинди.

Турли жабҳаларда ўзига хос муваффақиятларни қўлга киритаётган бу ёшлар, Президентимиз таъкидлаганидек, Ўзбекистоннинг олтин фондидир.

Ижод мактабимиздан келажакда яхши ижодкорлар, таржимонлар етишиб чиқишига ишонамиз. Бугун улар ўз ижоди билан жаҳонга чиқиш имкониятига эга. Зеро, таржимонлар ўзимиздан етишса, хорижий давлатлар билан турли соҳалардаги алоқаларимиз янада кучаяди. Қолаверса, ўзбек адабиётининг дунёга ёйилмаган бетакрор намуналарини бизга четдан биров келиб таржима қилиб бермайди. Мана, ҳозирдан баъзи ўқувчиларимиз ўз шеърларини бошқа тилларга таржима қиляпти. Бир вақтнинг ўзида ҳам турли фанларни, ҳам хорижий тилларни ўрганаётган ёшларни кўриб, бир қувончимизга ўн қувонч қўшилади. Ютуқларимиз замирида юртимиздаги ёшларга яратилган шароитлар ва қарор топган адабий муҳит мужассамдир.

## Тил билиш бу — бойлик

**Гулёра ТЎЙЧИЕВА,**
**Исҳоқхон Ибрат номидаги хорижий тилларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган ижод мактаби ўқувчиси:**



— Табрикдан Президентимизнинг мамлакатимиздаги ҳар бир ёшга ғамхўрлигини, оталарча меҳрини яна бир бор чуқур ҳис этдик.

Юртбошимизнинг “бутун мамлакатимиз ёшларига мурожаат қилиб айтмоқчиман: ҳеч қачон унутманг, сизлар инсон ҳар томонлама эркин, озод ва фаровон яшайдиган янги Ўзбекистон, янги Ренессанс бунёдкорисизлар. Сизларнинг ҳаётда ўз муносиб ўрнингизни топишингиз учун давлатимиз ва жамиятимиз бундан буён ҳам бор куч ва имкониятларини тўла сафарбар этади”, деган сўзлари бизга қанот бағишлаб, орзу-ниятларимиз сари дадил интилишга, янги-янги марраларга ундади.

Давлатимиз раҳбари мактабимизга ташриф буюрганида, Ибрат домла ҳаётидан бир қанча ибратли мисолларни келтириб, “Тил билиш бу — бойлик. Тил билган инсон дунёни билади, ҳеч қачон кам бўлмайди. Ота-боболаримиз шундай бўлган, бу бизнинг қонимизда бор”, деган эди. Мен ҳам Ибрат бобомиз сингари чет тилларни мукаммал ўрганишни дилимга тугдим. Бунинг учун эса мактабимизда барча шароит муҳайё. Инглиз, немис, француз, рус, араб, хитой, корейс тилларини чуқур ўрганиш учун замонавий технологиялар билан жиҳозланган аудиториялар, турфа китоблар жам бўлган кутубхона ихтиёримизда.

Таълим даргоҳимизга келган катта авлод вакиллари бизга ҳавас билан қарашади, бундай беқиёс имкониятлардан оқилона фойдаланишимиз зарурлигини, улар даврида бунақа шароитлар бўлмаганини таъкидлайди.

Мактабни аъло баҳоларга битириб, нуфузли олий ўқув юртида таҳсил олиш ниятидаман. Мақсадим — хорижий тилларни пухта ўрганиб, жаҳондаги машҳур музейларда сақланиб қолган маънавий меросимизни юртимизга қайтариш, Ибрат бобомиздек босмахона очиб, ўша асарларни халқимизга туҳфа этишдир.

**Адиба УМИРОВА**
**(«Халқ сўзи») тайёрлади.**

# МУСТАҚИЛ ҲАЁТГА ЧАЛИНГАН ҚЎНҒИРОҚ

1

Мамлакатимизнинг барча умумтаълим мактабларида бўлиб ўтган “Сўнгги қўнғироқ” тадбирлари ана шундай ҳис-ҳаяжонга, қайноқ туйғуларга лиммо-лим, ўқитувчию ўқувчилар, ота-оналар учун бир умр эсда қоларли дамларни туҳфа этди.

Тадбирларда Президентимизнинг мактаб битирувчиларига йўллаган табриги ўқиб эшиттирилди.

Беғубор ўқувчилик йилларини ортда қолдириб, ҳаётининг янги, янада масъулиятли босқичига қадам қўяётган ёшлар бундай эътибор ва ишончдан чексиз фахр-ифтихор туяди.

Давлатимиз раҳбари президентлик фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ ёшларнинг *“соғлом туғилишидан бошлаб, токи мустақил ҳаётга киргунича барча зарур шароитларни яратиб бериш”*ни асосий мақсад сифатида белгилаб олди ва тизимли ишларни амалга ошира бошлади.

Мактабгача таълим янги тизим сифатида қайтадан ташкил этилди. Халқ таълими шакл ва мазмун жиҳатидан бутунлай ўзгарди. Янгиланишлар сабаб пандемия даврида ҳам қанчалик мураккаб бўлмасин бу тизимда оқсоқлик кузатилмади. Дарслар масофавий шаклда олиб борилди. Барча ўқув фанлари бўйича телесабоқлар йўлга қўйилди.

Бугун “Янги Ўзбекистон — мактаб остонасидан бошланади” деган шиор асосида мактаб таълимини ривожлантириш умумхалқ ҳаракатига айланди.

Ўқитувчи-мураббийлар қадрини тиклашга қаратилган эътибордан уларнинг қадди ҳам тикланди. Улар бугун қаерда юрмасин “Ўқитувчиман!”, дея баралла, ғурур-ифтихор билан айтадиган бўлди. Ойлик маошлари ошиб, ўз устида ишлашга, дарс ўтишнинг замонавий усул ва услубларини ўзлаштиришга имкон топди.

Мактаб битирувчиларининг ҳам бугун боши баланд. Уларда эртанги кундан юракларида хавотир, ҳадик йўқ. Таълим масканида эгаллаган билимларини, бор салоҳиятини намоён этишга иштиёқ бор. Чунки улар мамлакатимизда келажаги учун қилинаётган оламшумул ишларни, ўзлари таянадиган қўлларни кўриб, теран ҳис этиб турибди. Шу боис эртанги кунга ишонч юқори.

Жорий йил мамлакатимиз умумтаълим мактабларини тугатган қарийб 438 минг нафар ўқувчилар етуклик шаҳодатномаларини қўлларига олмоқда. Ана шунча куч катта ҳаётга қадам қўймоқда.

...Тошкент шаҳридаги 243-умумтаълим мактабида “Сўнгги қўнғироқ” тадбири ҳар йилгидан-да кўтаринки руҳда бўлиб ўтди. Байрамона безатилган мактаб қучоғи оппоқ кўйлаги ёқасига “капалакча” таққан болакайларнинг, сочларига рангоранг тасма боғлаган жажжи қизалоқларнинг чуғур-чуғурига, мустақил ҳаётга йўлланма олаётган ёшларнинг шодон кулгиларига тўлди.

Тадбирда кейинги йилларда таълим тизимида амалга оширилган жиддий, кенг қамровли ўзгаришлар ҳақида сўз юритилди. Ислоҳотлар бевосита халқимиз билан бамаслаҳат иш тутилган ҳолда, ота-оналар, устоз ҳамда мураббийлар, кенг жамоатчилик, қолаверса, ўқувчи-ёшларнинг фикр ва мулоҳазаси, таклиф ҳамда тавсиялари асосида амалга оширилаётгани таъкидланди.

Фахрий устозлар, ўқитувчию ота-оналар битирувчи ёшларни байрам билан табрикларкан, уларнинг кейинги ўқишу ишларида омад ёр бўлишини тилади.

— Бу йил 231 нафар йигит-қиз таълим масканимизни битирмоқда, — дейди мактаб директори Гавҳар Зуҳурова. — Алоҳида таъкидлаш жоиз, бу йил жамоамиз учун ўтган йилгидан анча самарали бўлди. Турли танлов ва фан олимпиадалари ғолиблари бўлган битирувчиларимизнинг 4 нафари олий ўқув юртига мактаб партасидаёқ имтиёзли равишда қабул қилинди.

Тадбирда ўтган ўқув йилида ўз қобилияти ва иқтидори билан билимлар беллашуви, турли спорт мусобақаларида юқори ўринларни эгаллаган ўқувчилар диплом ҳамда эсдалик совғалар билан тақдирланди. Шунингдек, фаоллиги билан бошқаларга ўрнак бўлган ўғил-қизларга “Энг ибратли ўқувчи”, “Энг фаол ўқувчи”, “Ижодкор ўқувчи”, “Мактабимиз фахри”, “Спорт устаси”, “Энг ораста қиз” каби номинацияларда фахрий ёрлиқлар топширилди.

...Қўнғироқ жаранги оппоқ турналардек тизилган ўқувчиларни мустақил ҳаёт сари чорлайди. Эндиги умрини, режаларини яна бир бор мулоҳаза қилишга, ўзи учун энг тўғри тутумни белгилаб олишга ундайди.

*“Халқимизнинг ана шундай юксак ишончига доимо муносиб бўлинг!”* Президентимиз табригидаги ушбу эзгу даъват уларнинг юрагида бугунги қўнғироқ садосидек бутун умр жаранглаб туриши аниқ...

**Дилшод КАРИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

**RESPUBLIKA OLIMPIYA ZAXIRALARI TENNIS MAKTABI (ROZTM)**

2010-2011 yillarda tug‘ilgan, umumta’lim maktablarining 4-sinfini bitirgan, tennis bo‘yicha tayyorlov guruhida kamida 3 yil shug‘ullangan, shuningdek, 2009-2010 yillarda tug‘ilgan, 5-sinfni bitirgan, Respublika chempionatlari g‘olibi va sovrindori bo‘lgan hamda O‘zbekiston tennis federatsiyasi reytingiga ega o‘g‘il va qiz bolalar qabuli e’lon qilinadi.

**Hujjatlar 2021-yil 1-iyuldan 30-iyulga qadar quyidagi manzilda qabul qilinadi: 100125, Toshkent shahri, Mirzo Ulug‘bek tumani, Yalang‘och mavzesi, ROZTM.**

*Tanlov-test sinovlari 2021-yil 5-avgustdan boshlanadi.*

To‘liq ma’lumotni viloyatlar tennis federatsiyalari hamda www.Tennisschool.uz saytidan olishingiz mumkin:

**Toshkent shahridagi telefon: 71-208-94-96.**

ЭЪЛОНЛАР

*Ишлаб чиқарувчилар ва бошқа тадбиркорлик субъектлари диққатига!*

**БАРЧА УЧУН ФОЙДАЛИ СЕМИНАРЛАРДА ҚАТНАШИНГ**

Мамлакатимизда жадал ривожланиш билан бораётган тўқимачилик саноати бугунги кунда ҳам ҳажм, ҳам сифат жиҳатидан дунё бозорларида ўз харидорларига эга бўлиб бормоқда. Шу ўринда рақобатбардош корхона ва маҳсулотларга нафақат Марказий Осиё, МДҲ давлатлари, балки Европа бозорларининг қизиқиши кун сайин ортаётгани сезилмоқда.

Албатта, Европа халқлари сифатни қадрловчи бўлишади. Шу нуқтаи назардан бозорнинг асосий талаби сифатли ва ишончли маҳсулотдир. Бугунги кунга қадар Бангладеш, Покистон, Ҳиндистон, Вьетнам каби давлатлар Европанинг асосий етказиб берувчи мамлакатлари эди. Жорий йилнинг 10 апрелидан бошлаб Ўзбекистон ҳам бу мамлакатлар қатори Европа бозорларига кириб бориш учун катта лойиҳанинг таркибий қисмига айланди. Яъни эндиликда Ўзбекистон Европа Иттифоқининг барқарор ривожланиш ва самарали бошқарув бўйича махсус преференциялар тизими, яъни "GSP+" тизимининг 9-бенефициар мамлакати деб эълон қилинди.

Ўзбекистон Европанинг "GSP+" тизимига қўшилиши маҳаллий тўқимачилик саноатига нима беради?

Биринчи навбатда, бу маҳсулотларимизнинг рақобатдошлигини оширишга шароит яратади. "GSP+" доирасида ўзбек ишлаб чиқарувчилари Европа Иттифоқи мамлакатларига божсиз экспорт қилишлари мумкин бўлган товарларнинг сони 6200 тага етди. Бу аввалгига нисбатан икки баравар кўпдир. Яъни 3000 та товарни Европа Иттифоқига божхона тўловисиз ва 3200 та маҳсулотни пасайтирилган ставкалар билан экспорт қилишга имкон беради.

2020 йил натижаларига кўра, Европа Иттифоқига 74 миллион долларлик маҳсулотлар экспорт қилинган, "GSP+" тизими қўлланилиши билан 2021 йилда экспорт ҳажми 142,1 миллион долларга, 2022 йилда 242,2 миллион долларга ортиши кутилмоқда, кейинчалик 2025 йилга бориб 1,2 млрд. долларга кўпаяди.




Белгиланган натижаларга эришиш учун "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида ва саноат корхоналари билан биргаликда тўқимачилик маҳсулотларини Европа Иттифоқи бозорига етказиб бериш стратегиясини ишлаб чиқмоқда.

Ҳозирги кунда республикамиз бўйлаб "GSP+" имтиёзлари ва афзалликлари тўғрисида тренинг дастури амалга оширилмоқда. Дастур ҳар бир вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган. Айни пайтда 11 та ҳудудда гуруҳ ўз ишини якунлади. Навбатдаги семинарлар 27 — 29 май кунлари Навоий, Бухоро ва Тошкент вилоятларида ўтказилиши кутилмоқда.

Тренингнинг асосий мақсади ушбу имтиёзнинг афзалликлари, тизимнинг мазмун-моҳиятини етказиш, Европага чиқишда талаб этиладиган сертификатлаш жараёнини тушунтириш, маркетинг стратегияси ва сотиш амалиётини хорижлик мутахассислар ёрдамида ўргатишдан иборат.

Семинарларда "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси, Экспортни рағбатлантириш агентлиги, "Hohenstein" сертификатлаштириш институти, "Control Union", "Global Exim Tex", "Global Textile Export Group" ҳамда "Textile Standard Services", "Encompass Consulting" каби маҳаллий ва халқаро компанияларнинг экспертчи мутахассисларидан иборат тарғибот гуруҳи иштирок этмоқда.

Ушбу дастурда барча вилоят ва тумандаги ишлаб чиқарувчи корхоналар, йўналиши экспортга мўлжалланган компаниялар вилоят ҳокимликларига мурожаат қилган ҳолда иштирок этишлари мумкин.

**Дастурни онлайн тарзда ҳам кузатиш имконияти яратилган. Бунинг учун қуйидаги телеграм канали орқали ҳаволаларни сақлаб олинг: https://t.me/gspplusinuzbekistan**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 548. 26 617 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.55 Топширилди — 00.30 1 2 3 4 5 6